



## ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Айымбетов Абрам Даулетбаевич

КДУ докторант

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1	Маколада, инвестицион кредитлар хисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар
Issue: 3	самарадорлигига пандемиянинг салбий таъсири, уларни бартараф этишда банкнинг роли ва
DOI: <a href="https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss3/a10">https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss3/a10</a>	амалга оширилиши зарур бўлган комплекс тадбирлар бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.
KEYWORDS	“кредит портфель”, “муаммоли кредит”, “мониторинг жараёни”, “хусусий бизнес”, “худудий инвестицион лойиҳалар”, “инвестицион кредит”

### Кириш

Глобаллашган иктисодиёт шароитида молиявий инқирозлар, урушлар ва сиёсий қарама-каршиликлар, эпидемия ва падемия оқибатлари бирор давлатнинг иктисодиётини четлаб ўтаслиги исбот талаб килинмайдиган аксономага айланган.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг Ўзбекистон иктисодиётига, жумладан тижорат банкларининг инвестицион кредитлари сифатига салбий таъсири Марказий банк томонидан монитор ва пул-кредит сиёсатида кескин карорлар қабул килишини ва алоҳида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқишни таъсиз этгани каби пандемия ҳам мазкур йўналишида зарур ностандарт комплекс тадбирларни белгилаб олишини талаф этмоқда.

2020 йил пандемия даврида Президент фармонлари ва Хукумат карорлари асосида қабул қилинган, пандемия салбий оқибатларни бартараф этишга қаратилган дастурлар иктисодиёт реал сектори ийрик корхоналарининг инвестицион кредитлар бўйича жорий мажбуриятлари тўлов муддатини вактинча узайтиришга қаратилган бўлиб, келгусида хусусий бизнес инвестицион лойиҳаларидан кўзланган самарадорликни кайта тиклаш имконини бермайди.

Тижорат банклар инвестицион кредит портфелида муаммоли кредитлар саломогини кескин ошиби кетиши кузатилмағанлиги, инвестицион лойиҳалар самарадорлигига муаммо йўклигини белгилаб бермайди, яъни кредит бўйича тўловларнинг қайси манбалар хисобидан тўланиши мухим. Банк олдидағи мажбуриятлар лойиҳадан келадиган пул оқимлари хисобидан тўлиқ тўланмас экан, лойиҳада мақсад килинган иш ўринлар, ишлаб чиқариш ва экспорт хажми сақлаб колинишига эришиш имкони ўйқ.

Ушбу маколаданинг мақсади пандемиядан кейинги шароитда банклар томонидан молиялаштирилган инвестицион лойиҳаларда кузатиладиган рецессия оқибатларни бартараф этиш, уларнинг самарадорлигини сақлаб колини мақсадида тижорат банклари томонидан ишлаб чиқиши зарур бўлган чора-тадбирлар комплекси юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқишидан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун тадқикотда тижорат банклари инвестицион кредитлар портфелидаги ўзгаришларни тадқиқ этиш, лойиҳалар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ва уларни бартараф этиш бўйича алоҳида ҳар бир лойиҳа бўйича тижорат банки томонидан ҳамда мамлакат миқёсига қабул килиниши зарур бўлган комплекс чора-тадбирлар учун илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши каби вазифалар белгиланганд.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Молиявий-иктисодий инқироз, жумладан пандемия оқибатларининг инвестицион лойиҳалар самарадорли ва тижорат тижорат банклари кредит портфелига салбий таъсири бир катор хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

О. И. Изряднова, Н. П. Воловик, А. А. Лаврищева тадқиқот натижасига асосланни, “Ички ва ташки талабнинг пасайиш фонида инвестицион мухитни тиклашнинг бекарорлиги инвестиция режаларини кайта кўриб чиқиши тақазо этади. Шу сабабли давлат томонидан бюджет ва пул-кредит инструментлари ёрдамида иктисодиётни кўллаб-куватлаш бўйича қабул килинадиган тадбирлар мухим ўрин тутади. Мазкур йўналишида инвестицияларни ривоҷлантириш, худудий инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва капитал кўйилмаларни химоялаш ҳамда кенгайтириш тизимини кўллаб-куватлаш қаратилган янги молиявий инструментлар амал килади” деган хуласа келган[1].

Х. Б. Хужаёров ўзининг илмий маколасида пандемия даврида тадбиркорлик субъектларининг кредит тўловлари билан боғлиқ рисклари юмшатиш бўйича Марказий банк томонидан кўрилган барча чора-тадбирлар етарли эканлигини эътироф этган ҳолда, жаҳон иктисодиётидаги бошланғаётган инқироз ҳоларини эътиборга олган ҳолда тижорат банклари инвестицион лойиҳалар портфелини танкидий кўриб чиқиши ва ҳали бошланмаган узок муддатли самарасиз лойиҳаларни самарали лойиҳаларга алмаштириш тақлифини берган[2].

Юкорида кайд этилган олимларнинг тадқикотларидан ушбу маколанинг фарқли жиҳатлари шундаки, улар томонидан макроиктисодий кўлламда инвестицион лойиҳаларни кўллаб-куватлаш бўйича давлат томонидан амалга ошириладиган тадбирлар ҳамда истикболдаги лойиҳалар самарадорлигини оширишга қаратилган.

Мазкур маколада муаллиф томонидан тижорат банклари томонидан молиялаштирилган лойиҳалар самарадорлигини сақлаб колини мақсадида тижорат банклари ваколати доирасида ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолар ва уларнинг ечими тадқиқ этилган.

Муаммони ҳал килиш йўллари

Пандемия оқибатида юзага келган иктисодий инқирознинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида давлат ҳамда Марказий банк томонидан бир нечта чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 мартағи “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг

## Тижорат банклари муаммоли кредитлари тўғрисида маълумот<sup>1</sup>

млрд.сўм

<b>Сана</b>	<b>Кредитлар</b>	<b>NPL</b>	<b>Үзүүлши</b>
<b>01.09.2020</b>	<b>260 712</b>	<b>6 839</b>	<b>2,6%</b>
<b>01.01.2021</b>	<b>276 975</b>	<b>5 785</b>	<b>2,1%</b>
<b>01.07.2021</b>	<b>300 459</b>	<b>16 794</b>	<b>5,6%</b>
<b>01.01.2022</b>	<b>326 386</b>	<b>16 974</b>	<b>5,2%</b>
<b>01.03.2022</b>	<b>327 180</b>	<b>17 212</b>	<b>5,3%</b>

иктисодиёт тармокларига салбай таъсирини юмшатиши бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5969-сон, 3 апреддаги “Коронавирус пандемияси даврида ахоли, иктиносидиёт тармоклари ва тадбиркорлик субъектларини кўллаб-кувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5978-сон ва 27-апрельдаги “Коронавирус пандемияси даврида ахоли ва тадбиркорлик субъектларини кўллаб-кувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ- 5986-сонли фармонлар шуларни жумласидан. Мазкур фармонлар асосида молиявий кийинчиликка дуч келган юридик ва жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг кредитлари бўйича тўловлар 2020 йил 1 октябрга кадар кечикистирилиши хамда якуний тўловлар муддатларининг берилгани имтиёзли даврга мос равишда узайтирилиши белгиланган.

Шу билан бирга Республика “Инқирозга карши курашиш жамғармаси” ташкил этилди ва тадбиркорлик хамда ахоли бандларигини кўллаб-кувватлаш унинг асосий мақсадларидан бири деб белгиланди.

Марказий банк томонидан пандемия ва глобал инқироз ҳолатларининг иктисодиётта салбий таъсирини юмшатиш, жумладан тадбиркорлик субъектларидаги кредитларни қайтариши билан боғлиқ салбий оқибатларни пасайтиришига каратилган вақтнчалик тартиб ишлаб чикилди.

Мазкур тартибга кўра, кредит тўловлари муддати каэрзорнинг пул оқими таҳлилидан келиб чиқиб, томонларниң келишувига кўра жорий йилнинг 1 октябринга кадар узайтирилади.

Шунингдек, қарздорлар пул оқимлари фоиз тўловларини қоплаш учун етмаган тақдирда, фоиз тўловларини ҳам кечиҳтириши бўйича Марказий банк томонидан тижорат банкларига тавсиялар берилди.

Бирок бу кечикириш давридан (яни 2020 йил 1 октябрдан) кейин йигилган тұловлар бир мартада тұланиши кераклигини аңглатмайды. Яны, карантин вактида кечикирилган кредит тұловлары якуний тұловлар муддатларининг узайтырғанligини хисаба олған холда, тұлов жадвалининг колған даврига тенг равишда таксимланады.

Пандемия салбий оқибатларини юмшатиш максадида қабул килингандай тадбирлар натижасини юқорида көлтирилген статистик маълумотлар асосида таҳлил қиладиган бўлсак, ажратилган кредитлар колдиги сезизларни даражада ошган, яъни ушбу даврда кредит ажратиш амалиёти жонланганди, лекин муаммоли кредитларни хажми қабул килингандай тадбирларнинг етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Бизнинг фикримизча, 2021 йил давомида муваммоли кредитлар улусининг кескин ошиши кредит тўловлари бўйича Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган вақтинча тартибнинг тижорат банклари

томонидан самарасиз кўлланилганини кўрсатади. 2021 йил июлдан бугунги кунга қадар муаммоли кредитлар улушкининг бир мунча пасайиши, тижорат банкларининг маъмурӣ ричаглари натижаси хисобланади.

Инвестицион лойихаларга ажратилган кредитлар ўзининг узоқ муддатлиги, лойиха пул оқимлари кредит тўловлари бўйича ягона манбалиги билан бошқа кредитлардан фарқ киласди. Шу сабабли инвестицион самараордлиги уларни молиялаштиришга ажратилган кредитлар портфели сифатини белгилаб беради.

Хулоса күладиган бўлсак, пандемия каби мураккаб шароитда лойихалар самарадорлигини таъминлаш кредит портфели сифати учун мухим ҳисобланади ва ижобий натижага эришишда давлат ёки Марказий банк томонидан қабул килинган умумий чора-тадбирлар етарли эмас. Ҳар бир лойиха ўзининг хусусиятдан, яъни тармоги, географик жойлашви, ракобат мухитидан келиб чиккан турли хил рискларга тортилишини, давлат томонидан преференциялар йирик лойихалар учун берилганини инобатга олган холда тижорат банклари ҳар бир хусусий бизнес субъектлари лойихаларига алоҳида ёндашув килиши шарт.

## Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар

Молиявий қынчилликка учраган лойхалар фаолиятini тиклаш ва жонлантириш максадида қыйидагиларни ўз ичига оладиган чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишини таклиф этамиз:

1. Лойихалар мониторинги сифатини ва самарадорлигини ошиш мақсадида аниқланган муаммолар ечими юзасидан зарур бирларни белгилаша ва амалга ошириши, конунчы чоралар күриши сидан ходим зарур маслаҳатларни олиш имкониятiga эта бўлгандагий характерга эга бўлган кўйламма ишлаб чиқиши;

2. Мониторинг жараёнда аниклангандар маълумотлар асосида таҳлилни амалга ошириш бўйича компьютер дастурлари билан тъзиминлаш, масофадан турб доимий мониторингни амалга ошириш мақсадида банк-мизжоз дастурида алоҳида маълумот олиш базасини ташкил этиш;

Мижоз мониторинг ўтказилишига ҳайрихо бўлиши, банкни ўзининг ҳамкори сифатида қабул қилиши мониторингни ўтказиш услугбининг тўгри ишлаб чиқилганига ҳамда ходимнинг профессионал даражасига боғлик.

3. Муаммоли инвестицион лойихалар билан ишлаш тизимини жорий этиш. Унда бошқа турдаги муаммоли кредитлар билан ишлаш сиёсатидан кескин фарқ киладиган күйидаги жиҳатларни инобатта олиш:



1-расм. Умумий кредитлар таркибидаги NPLнинг ўсиш сурати<sup>2</sup>.

- инвестицион лойиҳа асосида ташкил этиладиган фаолиятдан келадиган даромад кредит тўловларининг режалаштирилган ягона манбаи хисобланади;

- лойиҳага салбий таъсир кўрсатадиган рискларнинг кўплиги;
- кредитнинг узок муддатлиги ва миқдорининг йириклиги;
- йирик миқдорда гаров мулкларининг сотилиш жараёнининг мураккаб ва узоклик вақт талаб этиши;
- лойиҳа фоясининг индивидуаллиги;
- технология ва ускуналарнинг вақт оралиғида маънавий эскириши ва уларни кўчиришда жисмоний ва сифат жиҳатдан талофат кўриши ва х.к.

4. Корхона бошқарув тизимида замонавий методологияларни кўллаш юзасидан мижоз билан ҳамкорликда зарур тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

5. Махсулот ракебатбардошлигини ошириш максадида харажатларни оптималлаштириш юзасидан консалтинг компанияларни жалб этиш;

6. Карадорнинг инкизордан чиқиши ҳамда банк олдида мажбуриятларни тўлиғ бажаришига имконият яратадиган ташкилий, молиявий ва бошқа турдаги банк ёрдамидан иборат куйидаги тадбирларни белгилаш:

- кредит бўйича карадорлигини реструктуризация килиш;
- карадор корхона раҳбарияти билан ҳамкорликда муаммони тўлиқ аниқлаш ва ечимини излаш;
- банк номидан карадорга бошқарувчи, маслаҳатчи тайинлаш;
- кўшимча кредит ажратиш;

#### Reference:

1. О. И. Изряднова, Н. П. Воловик, А. А. Лаврищева “Структурные особенности инвестиционной деятельности в условиях пандемии”//Экономическое развитие России - Том 27 - №9. Сентябрь 2020.
2. Хужаёров, Х. Б. Пандемия шароитида банк-молия тизими ва унинг таҳлили / Х. Б. Хужаёров. — Текст : непосредственный // Молодой ученик. — 2020. — № 27 (317). — С. 390-392. — URL:
3. Д.О.Матёкубова “Банкларда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва мониторингини ташкил этиш хусусиятлари”//“Иктисадиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 йил.
4. М.К.Хисамутдинов «Анализ проблем и методические аспекты инвестиционного банковского кредитования в условиях современных экономических рисков» Экономический анализ: теория и практика//Инвестиционный анализ. 3(2016) 148–162.

- кўшимча инвестор жалб этиш орқали корхонаниг хусусий капиталини ошириш киради.

Куттилаётган иктисадий самарадорликлар

Пандемиянинг салбий оқибатлари таъсирида инвестицион лойиҳалар самарадорлигининг пасайиши юкорида таъкидлаганимиздек банклар портфелида муаммоли кредитларнинг ортиши билан бир қаторда иш ўринларини йўқотишга, хусусий секторнинг ЯИМ, ишлаб чиқариш, экспорт ҳажмидағи улушининг пасайишига олиб келади. Таклиф этилаётган чора-тадбирлар комплекси юкоридаги кўрсаткичларни сақлаб қолиш билан бирга қўйидаги муаммолар юзага келиши олдини олади:

1. Инвестицион кредитларнинг муддатида кайтарилиши банкнинг узок муддатли ликвидларни таъминлайди;

2. Узок муддатга ажратилган йирик миқдордаги кредитлар таъминоти сифатида гаровга қўйилган мулкларнинг мажмуавий характеристега эгалиги ҳамда ўзига хослигини инобатга олсан, келгусида банклар балансида даромад келтирмайдиган активлар ошишининг олди олиниади. Инвестицион кредитлар бўйича тўловларда юзага келган муаммоларни ҳал этишда корхонанинг хисоб ракамларига қатабномалар кўйиш, суд орқали ундируви гаров мулкларига қаратиш хар доим ҳам кутилган натижани беравермайди;

3. Лойиҳа фаолиятининг тикланиши келгусида банк учун баркарор мижознинг сақланниб қолинишига эришилади;

4. Муаммоли кредитлар учун шакллантириладиган захираларга йўналтириладиган харажатлар кискаришига эришилади.